

## Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ

### 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

Танлов предмети: Кармана туман “Аёллар дафтари”нинг 3-босқичига киритилган хотин-қизлар учун туристик саёҳат ташкил этиш.

- **Навой - Самарқанд вилояти – 100 киши 54 740 000сўм**
- **Навой - Бухоро вилояти – 100 киши 53 130 000сўм**
- **Навой - Хоразм вилояти – 50 киши 30 939 400сўм**

1.2. Танловнинг юкори қиймати жами – **138 809 400** (Бир юз ўттиз саккиз миллион саккиз юз тўққиз минг тўрт юз)сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4.Ишларни бажариш муддати: Ғолиб бўлган иштирокчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган нуксон далолатномасига асосан белгиланган график бўйича.

1.5 Ишларни бошлаш муддати– аванс маблаг иўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

### 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. **Кармана туман ҳокимлиги** (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси хисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Кармана туман “Талқоқ” МФЙ.

Эл.адрес: [karmana@nv.uz](mailto:karmana@nv.uz)

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

### 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.3. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

### 4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

## **5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилиги жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## **6. БОШҚА ШАРТЛАР**

6.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

6.3. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади

**Кармана туман хокимлиги  
бош ҳисобчиси**



**М.Умаров**

## "ТАСДИҚЛАЙМАН"

Кармана туман ҳокими ўринбосари

 Г.Джалилова

" 18 " июль 2022 йил

М.Ў

Кармана тумани "Аёллар дафтари"нинг 3-босқичига киритилган хотин-қизлар учун туристик саёҳат ташкил этиш ўтказиш харажатлари.

### ТЕХНИК ТОПШИРИК

№	Асосий маълумотлар	Бажарувчи
1	Хизмат номи	Тумани "Аёллар дафтари"нинг 3-босқичига киритилган хотин-қизлар учун туристик саёҳат ташкил этиш
2	Буюртмачи	Кармана туман ҳокимлиги.
3	Буюртма учун асос	Туман ҳокими ўринбосарининг 2022 йил 13 июлдаги №7-сонли баёнига асосан
4	Объектнинг жойлашган ўрни	Навоий вилояти Кармана тумани "Талқоқ" МФЙ
5	Қатнашувчилар учун талаблар	Кўрсатилган талабларга мос бўлиши лозим.
6	Тижорат таклифларини тақдим этиш шартлари	Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома.
7	Бажарилган ишлар ҳисоб-китоби	Туристтик саёҳат тўлиқ ташкил этилиши лозим.
8	Ишни бажариш муддати	Шартнома тузилиб олдиндан 30% миқдорда тўлов амалга оширилгандан сўнг камида 10 кун ичида.
9	Техника хавфсизлиги буйича талаблар	Техника хавфсизлик қоидаларига тўла риоя қилиши шарт.
10	Молиялаштириш манбаи	Бюджет маблағлари ҳисобидан.
11	Хизмат кўрсатиш номи	1,2,3 – иловага мувофиқ

**Хурматли танлов иштирокчилари диққатига  
бажарилиши режалаштирилаётган хизматлар ҳамда  
овқатлантириш сифатли бўлиши шарт!!!!**

**Самарқанд шахрига саёхат дастури (100 киши)**

Саёхат давомийлиги: 2 кун /1 кеча *Йуналиши*: Навоий — Самарқанд  
— Навоий

Навоий — Самарқанд (автобуста 2 соат, 10 минут. 110 км.)

06:00 — Саёхатчилар Кармана тумани хокимияти олдида (ёки яқинида) кутиб  
олинади ва йигилади. 07:00 — “Навоий—Бухоро” йуналишида Бухоро вилоятининг  
Бухоро шахрига жунатилади.

(автобуста 3 соат, 10 минут. 175 км.)

10:10 — Самарқандга етиб келинади.

10:20 — белгиланган шаҳарда кутиб олинади.

10:30 — маҳаллий кафеларнинг бирида нонушта:

Бутерброд – 100 дона

Кофе 1 бокал – 100 дона

Чой 1 стакан – 100 дона

Ширинлик – 100 дона

11:00 — **БИРИНЧИ**

11:00 — *Регистон ансамбли*

**ИККИНЧИ**

12:00 — *Амир Темуր жомеъ масжиди (1399 -1404)*

**УЧИНЧИ**

12:30 — *Сароймулкхоним маъбараси*

**ТУРТИНЧИ**

13:00 — *Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И слом Каримов қабрини зиёрат  
килинади*

**БЕШИНЧИ**

14:00 — маҳаллий кафеларнинг бирида тушлик тановул килинади:

Шўрва – 100 дона

Нон – 40 жона

Салат свежий – 50 дона

Шашлик – 100 сих

Айрон 50 та  
Чой – 40 та  
Яхна ичимлик – 1л – 30 дона

## **ОЛТИНЧИ**

**15:00 — Афросиёб шахарчаси**

## **ЕТТИНЧИ**

**15:30 — АФРОСИЁБ - Самарканд шауар тарихи музейи**

**17:00 — «Бек» меумонхонасига олиб борилади ва жойлаштирилади. Кечки овцат ташкиллаштирилгунга кадар мехмонхонада дам олиш ва хордик чикариш учун буш вақт берилади.**

**19:00 — миллий куй-кушиқлар садоси остида, кутаринки кайфият улашилган холда кечки овқат тановул қилинади.**

**21:00 — мехмонхонага қайтилади. Мехмонхонада тунаб қолинади..**

## **2-КУН**

**08:00 — мехмонхонада нонушта тановул қилинади**

**0.5 порс ширгуруч 100 дона**

**Чой 1 стакан 100 дона**

**Ширинлик 100 дона**

**09:30 — экскурсия давом эттирилади**

**11:00 — Хожи Абду Дарун Макъараси**

**11:40 – Хожи Ахрор Валий Мажмуаси**

**12:30 Махсмуди Аъзам зиёратгоҳи .**

**13:30 — маҳаллий кафеларнинг бирида тушлик тановул қилинади.**

**Мастава – 100 дона**

**Нон – 40 жона**

**Салат свежий – 50 дона**

**Сомса – 100 дона**

**Чой – 60 та**

**Яхна ичимлик – 1л – 30 дона**

**15:00 — саёхат давом эттирилади**

***Афросиёб шахарчаси***

**15:30 - Афросиёб Самарканд шаҳар турихи музейи**

17:30 — Самарканд Когози

18:30 — 19:00 — саёхатчиларга эсталик совгалар ҳамда кухна ва хамиша навкирон Самаркандни эслатиб турувчи ювилер махсулотларни сотиб олиш учун вақт берилади.

19:00 — саёхатчилар автобусда Навоий вилоятига қайтиш учун йулга чиқилади. Самарканд — Навоий (автобусда 3 соат, 10 минут. 175 км.)

22:00 — Саёхатчилар Навоий вилоятига етказиб келинади ва уйларига кузатилади. Саёхат нихоясига етади

## Бухоро шахрига саёхат дастури (100 киши)

Саёхат давомийлиги: 2 кун /1 кеча *Йуналиши*: Навоий — Бухоро —  
Навоий

Навоий — Бухоро (автобусда 2 соат, 10 минут. 110 км.)

06:00 — Саёхатчилар Кармана тумани хокимияти олдида (ёки яқинида) кутиб олинади ва йигилади. 07:00 — “Навоий—Бухоро” йуналишида Бухоро вилоятининг Бухоро шахрига жунатилади.

(автобусда 2 соат, 10 минут. 110 км.)

09:00 — Бухорога етиб келинади.

09:05 — белгиланган шаҳарда кутиб олинади.

09:10 — маҳаллий кафеларнинг бирида нонушта:

Бутерброд – 100 дона

Кофе 1 бокал – 60 дона

Чой 1 стакан – 40 дона

Ширинлик – 100 дона

10:00 — БИРИНЧИ ПИРИ МУРШИД

*Абдуллохулиу Фиждувоний (1103-1179)*

ИККИНЧИ ПИРИ МУРШИД *ХОЖА ОРИФ*

*РЕВГАРИЙ (1126-1259)*

УЧИНЧИ ПИРИ МУРШИД

*Хожа Махмуд Анжир Фагнавий (1227-1286)*

ТУРТИНЧИ ПИРИ МУРШИД

*Хожа Али Ромитоний (1191-1321)*

БЕШИНЧИ ПИРИ МУРШИД

*Ҳазрат Хожа Мухаммад Бобойи Самосий (1259-1354)*

14:00 — маҳаллий кафеларнинг бирида тушлик тановул қилинади:

Шўрва – 100 дона

Нон – 40 жона

Салат свежий – 50 дона  
Шашлик – 100 сих  
Чой – 60 та  
Яхна ичимлик – 1л – 30 дона

### **ОЛТИНЧИ ПИРИ МУРШИД**

*Саййид Амир Кулол (128 7-13 70)*

### **ЕТТИНЧИ ПИРИ МУРШИД**

*Бауоудди Наџибанд*

**7:30** — «**Grand Bukhara**» мехмонхонасига олиб борилади. Кечки овкатга кадар мехмонхонада дам олиш учун вақт берилади.

**9:00** — миллий куй-кушиклар садоси остида. кутаринки кайфият улашилган холда кечки овкат тановул килинади.

**21:00** — мехмонхонага кайтиб келилади ва тунаб қолинади.

**08:00** — мехмонхонада нонушта тановул килинади

**09:00** — экскурсия давом эттирилади: *Ситораи — Мохи Хоса* (Бухородан 4 км.) — сунги Бухоро мирининг ёзги қароргохи (XIX аср).

**11:30** — шаҳар буйлаб саёҳат ташкил килинади.

**14:00** — маҳаллий кафеларнинг бирида тушлик тановул килинади.

Мастава – 100 дона

Нон – 40 жона

Салат свежий – 50 дона

Манга – 200 дона

Чой – 60 та

Яхна ичимлик – 1л – 30 дона

**14:30** — саёҳат давом эттирилади

*Арк курғони*

*Чатман Аюб макрараси* (XII—XVI асрлар) — макбара

**7:00** — саёҳатчилар автобусда Навоий вилоятига айтиш учун йулга чиқилади. Бухоро — Навоий автобусда 2 соат, 10 минут. 110 км.

**19:20** — Саёҳатчилар Навоий вилоятига етказиб келинади ва уйларига кузатилади. Саёҳат нихоясига етади.

## Хоразм шахрига саёхат дастури (50 киши)

Саёхат давомийлиги: 3 кун /1 кеча *Июналиши*: Навоий — Хива —  
Навоий

Навоий — Хива (автобуста 9 соат, 10 минут. 526 км.)

22:00 — Саёхатчилар Кармана тумани хокимияти олдида (ёки якинида) кутиб олинади ва йигилади.

23:00 — “Навоий—Хива” йуналишида Бухоро вилоятининг Бухоро шахрига жунатилади.

(автобуста 9 соат, 10 минут. 526 км.)

### 2- КУН

08:10 — ХИВАга етиб келинади. (эртанги кун)

08:15 — белгиланган шахарда кутиб олинади.

08:20 — махаллий кафеларнинг бирида нонушта:

Ширгуруч 05 порс 50 дона

Кофе 1 бокал – 30 дона

Чой 1 стакан – 20 дона

Ширинлик – 50 дона

### БИРИНЧИ

09:00— *Хоразм халк меъморлигининг ажойиб обидалари: Мадра ва масжидлар*

### ИККИНЧИ

14:00 — махаллий кафеларнинг бирида тушлик тановул килинади:

Шўрва – 50 дона

Нон – 20 жона

Салат свежий – 25 дона

Шашлик – 50 сих

Айрон 25 та

Чой – 30 та

Яхна ичимлик – 1л – 15 дона

### УЧИНЧИ

14:00 — *Саид Тслон Хўжа мехмонхонасига олиб борилади ва жойлаштирилади. Кечки овкат берилиш вақтига қадар мехмонхонада бўш вақт берилади.*



**17:00** — «Бек» меумонхонасига олиб борилади ва жойлаштирилади. Кечки овцат ташкиллаштирилгунга қадар меҳмонхонада дам олиш ва хордик чиқариш учун буш вақт берилади.

**19:00** — миллий куй-кушиқлар садоси остида, кутаринки кайфият улашилган холда кечки овқат тановул қилинади.

**21:00** — меҳмонхонага қайтилади. Меҳмонхонада тунаб қолинади..

3-КУН

**08:00** — меҳмонхонада нонушта тановул қилинади

**Сомса 50 дона**

**Чой 1 стакан 50 дона**

**Ширинлик 50 дона**

**09:00** — Шахар меҳъморий обидалари бўйлаб сайёҳат давом этгирилади

**13:00** — маҳаллий кафеларнинг бирида тушлик тановул қилинади.

**Шурва – 50 дона**

**Нон – 20 жона**

**Салат свежий – 25 дона**

**Сомса – 50 дона**

**Чой – 30 та**

**Катик 25 дона**

**Яхна ичимлик – 1л – 15 дона**

**14-00-14-30гача Сайёҳатчиларга эсдалик совғҳалар ва Хивани эслатиб турувчи ювилер маҳсулотларни сотиб олиш учун вақт берилади.**

**14:30** — саёҳатчилар автобусда Навоий вилоятига қайтиш учун йулга чиқилади.

**Хива — Навоий (автобусда 9 соат, 10 минут. 526 км.)**

**23:40** — Саёҳатчилар Навоий вилоятига етказиб келинади ва уйларига кузатилади.

Саёҳат ниҳоясига етади

**Кармана туман ҳокимлиги**  
**етакчи мутахассиси**



**Д.Эргашева**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Кармана туман ҳоқими  
ўринбосари – оила ва хотин-қизлар  
бўлими бошлиғи, Васийлик  
кенгаши раиси

  
Г.Джалилова

2022 йил 13 июль

**“Аёллар дафтари” рўйхатига киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси Васийлик кенгаши йиғилишининг 7-сонли  
БАЁНИ**

2022 йил 13 июль

Кармана тумани

**Раислик қилувчи:** Г.Джалилова- Кармана туман ҳоқими ўринбосари - оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи, Васийлик кенгаши раиси

**Қатнашганлар:** Васийлик кенгаши аъзолари (*рўйхат бўйича*)

**Васийлик кенгаши масъул котиби:** Д.Эргашева- туман оила ва хотин-қизлар бўлими Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ва “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар билан ишлаш бўйича етакчи мутахассис

**КУН ТАРТИБИ:**

**“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар учун ташкил этилаётган туризм хайрия акцияси тадбирларини молиялаштириш тўғрисида**

*(Г.Джалилова, Т.Ўринов.....Г.Джалилова)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 мартда “Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 145-сон қарори қабул қилиниб, қарор билан “Аёллар дафтари”ни юритиш орқали хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги низом ҳамда “Аёллар дафтари” рўйхатига киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш жамғармалари тўғрисидаги низом тасдиқланган.

“Аёллар дафтари” рўйхатига киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш жамғармалари тўғрисидаги низом билан “Аёллар дафтари” жамғармаси маблағлари Васийлик кенгаши қарори асосида сарфланиши белгилаб қўйилган.

Шунингдек, мазкур низом билан васийлик кенгашининг намунавий таркиби белгиланган бўлса, туман ҳокими томонидан унинг амалдаги таркиби тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 мартдаги “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 87-сон Фармони, 2-иловаси, 64-бандида “Янги Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” шиори остида ҳар йили “Аёллар дафтари”га киритилган 50 минг нафар хотин-қизлар учун “Аёллар дафтари” рўйхатига киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда - “Аёллар дафтари” жамғармаси) маблағлари ҳисобидан бепул саёҳатларни ташкил этиш вазифаси белгиланган.

Шунингдек, Хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича Республика комиссияси кенгайтирилган йиғилишининг 2022 йил 4 апрелдаги 1-сонли йиғилиш баёни ҳамда “Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси”нинг 2022 йил 25 апрелдаги 04-02/230-сонли хатига асосан жорий йил давомида Кармана туманида “Аёллар дафтари”га киритилган 250 нафар хотин-қизлар учун ички туризм тадбирларини ташкил этиш белгиланган.

Юқоридагиларга кўра, “Аёллар дафтари” жамғармаси маблағларини мақсадли ва манзилли сарфлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 мартдаги “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 87-сон Фармони, 2-иловаси, 64-банди ижросини таъминлаш мақсадида “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш жамғармалари тўғрисида Низомнинг 5-банди 11-хатбошиси, 12-банди ҳамда 13-банди 6-хатбошиси, шунингдек, “Аёллар дафтари”ни юритиш орқали хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисида Низомнинг 2-иловаси, 41-бандига асосан йиғилиш **қарор қилади:**

**1. Қуйидагилар:**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 мартдаги “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 87-сон Фармони, 2-иловаси, 64-банди;

Хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича Республика комиссияси кенгайтирилган йиғилишининг 2022 йил 4 апрелдаги 1-сонли йиғилиш баёнининг 3-иловаси;

Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасининг 2022 йил 25 апрелдаги 04-02/229-сонли хати ҳамда 25 апрелдаги 04-02/230-сонли хат иловаси **ижро учун қабул қилинсин.**

**2.** Кармана туманида “Аёллар дафтари”га киритилган 250 нафар хотин-қизлар учун ташкил этиладиган саёҳатларга жалб этиладиган хотин-қизлар рўйхати Кармана туман оила ва хотин-қизлар бўлими томонидан шакллантирилиши ҳамда ушбу тадбирларни амалга ошириш учун масъул

эканлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Кармана туманида “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар учун мамлакатимиз бўйлаб саёҳатларни ташкил этиш мақсадида 100 нафар хотин-қизларнинг Самарқанд вилоятига, 100 нафар хотин-қизларнинг Бухоро вилоятига, 50 нафар хотин-қизларнинг Хоразм вилоятига саёҳатларини ва дам олишларини ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар “Аёллар дафтари” жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилсин.

4. “Аёллар дафтари” жамғармаси ҳисобидан жами 138 809 400 (бир юз ўттиз саккиз миллион саккиз юз тўққиз минг тўрт юз) сўм миқдоридаги ажратилган маблағ харажатлари [xarid.uzex.uz](http://xarid.uzex.uz) Давлат харидлари махсус портали орқали амалга оширилсин.










5. Ушбу баён ижросини назорат қилиш Васийлик кенгаши раиси ўринбосари Т.Ўринов зиммасига юклатилсин.

Баённомани расмийлаштирди:



Д.Эргашева

**“Аёллар дафтари” рўйхатига киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси Васийлик кенгаши йиғилишининг  
7- сонли баёни билан  
ТАНИШДИМ**

т/р	Ф.И.Ш.	Лавозими	Имзо
1	Т.Ўринов	Туман ҳокимининг иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари, <i>васийлик кенгаши раисининг ўринбосари</i>	
	Х.Эркинов	Туман прокурори, <i>васийлик кенгаши аъзоси</i>	
2	А.Савуров	Туман ички ишлар бўлими бошлиғи, <i>васийлик кенгаши аъзоси</i>	
3	А.Ахмедов	Туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи, <i>васийлик кенгаши аъзоси</i>	
4	Г.Шерматова	Халқ депутатлари туман Кенгаши депутати (келишув асосида)	
5	У.Рустамов	Туман молия бўлими бошлиғи, <i>васийлик кенгаши аъзоси</i>	
6	И.Расулов	Туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази директори, <i>васийлик кенгаши аъзоси</i>	
7	Э.Махмудов	АТ “Халқ банки” туман филиали бошқарувчиси, <i>васийлик кенгаши аъзоси</i>	
8	И.Надилов	Туман Тиббиёт бирлашмаси бошлиғи, <i>васийлик кенгаши аъзоси</i>	
9	Ж.Мусаев	Кармана тумани ҳокимлиги, ахборот хизмати раҳбари, <i>васийлик кенгаши аъзоси</i>	